

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, Н.ИКРАМОВА

Ядросида Мейер функцияси қатнашган каср тартибли интегродифференциал операторлар композициясининг бир хоссаси ҳақида 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.МИРЗАҚУЛОВ, Х.ШЕРМАТОВА, З.МУҚИМОВА

Физика ўқитувчисининг таълимга инновацион ёндашуви 8

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Д.КОМИЛОВА

Барг ўровчи кўнғизлар (Coleoptera: attelabidae)нинг тарқалиши ва қисқача ўрганилиш босқичлари 12

М.АҲМАДАЛИЕВ

Дифурфурилиденацетоннинг олигомерланиши.-I. 15

М.ИСМОИЛОВ, Х.ЖУРАЕВ

Қовушқоқликни оширувчи кўндирмалар олиш 20

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

В.МАХМУДОВ

Кўп йиллик бошоқдош ўсимликларни Ўзбекистон адирларида интродукция қилиш 24

М.ҒОЗИЕВ

Беда остига солинган ҳар хил органик-кимёвий моддаларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсири 27

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒАФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шакллантириш хусусиятлари 30

О.ТҮЙЧИЕВА

Тўқимачилик корхоналарида лизинг муносабатларининг ривожланиш тенденциялари 33

Қ.ЮСУПОВ

Суғуртанинг бозор иқтисодиётидаги афзаллиги ва самарадорлиги 36

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ

Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёти ва самарадорлиги..... 40

Б.ТҮЙЧИЕВ, У.НАЗИРОВ

Фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларнинг ўрни 45

Н.ПУЛАТОВА

Аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш масалалари 49

Ф.ЮЛДАШЕВ

Фалсафада этика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари..... 52

Н.РАҲИМБАБАЕВА

Донишмандлар масъулият ҳисси ҳақида 55

М.ЭРГАШЕВА

Совет ҳокимияти даври (1919-1945 йй.)да архив ҳужжатларини жамлаш 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.АБДУРАҲМОНОВ

Кўёш образи ва унинг поэтик функцияси 63

ТИЛШУНОСЛИК

С.ҚУРБОНОВА

Лингвистик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлишига доир 66

УДК: 371+39

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Б.Тўйчиев, У.Назиров

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларни ўрни илмий таҳлил қилинган.

Аннотация

В данной статье проведён научный анализ роли семейных ценностей при переходе к гражданскому обществу в Узбекистане.

Annotation

In this article conducted a scientific analysis of the role of family values in the transition to civil society in Uzbekistan.

Таянч сўз ва иборалар: жамият, фуқаролик жамияти, оила, оилавий қадрият, ҳуқуқий маданият, урф-одат.

Ключевые слова и выражения: общество, гражданское общество, семья, семейные ценности, правовая культура, обычай.

Key words and expressions: society, civil society, family, family values, legal culture, custom.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, унинг асоси бўлган оила ва оилавий қадриятларнинг фалсафий - ҳуқуқий омилларини мустаҳкамлаш конституциявий норма даражасида мустаҳкамлаб қўйилди. Бу улуғ тушунчалар халқимизнинг онгу тафаккурига чуқур сингиб кетганлиги боис биз оиланинг муқаддаслик моҳияти, аҳамияти ва кадр-қимматини жамият билан узвий алоқадорликда теран англаймиз.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиши, халқимиз орзу-умидлари ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш орқали шу заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг бахти ва тўқис ҳаёт кечиршини таъминлашга қаратилгани билан беқиёс аҳамиятга моликдир.

Фуқаролик жамиятида оилавий қадриятларни янада мустаҳкамлаш кўпгина омилларга боғлиқ бўлади. Жамият ҳаётидаги

интеграциялашувлар, янгиланишлар ва демократиялашиш оилавий қадриятларни юксалтиришни янада мустаҳкамлаб боришини тақозо этади. Ҳар бир давр ўзгаришлари оилавий қадриятлар ҳуқуқий онгига янгиланишларни олиб киради. Ҳозирги глобаллашув даврида жамиятнинг энг асосий бўғини ҳисобланган оила ва оилавий қадриятларни асраш, тубдан мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Жамиятнинг негизини ташкил қилувчи оила – энг улуғ қадрият ҳисобланади. Унда одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласи, қариндош - уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият – инсон қалбининг гавҳаридир. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий

Б.Тўйчиев – Ўзбекистон миллий университети Миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

У.Назиров – ФарДУ илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи.

мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Оила деб аталган муқаддас заминда вояга етган ёшларимиз фуқаролик жамиятини фаол аъзоси бўлиб шаклланади.

Ҳозирги замон илғор мамлакатларида барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу - биринчидан, жамият ҳаётий фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир; иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир; учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашилари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Бизнингча, шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оилавий қадриятларнинг фалсафий-ҳуқуқий онга таъсиридаги долзарблик қуйидагилар билан белгиланади: биринчидан, фуқаролик жамиятини шакллантиришда кўҳна қадриятларимиз, дину диёнатимиз, бир сўз билан айтганда оилавий қадриятлар ҳуқуқий маданиятини шакллантирмасдан туриб, янги, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифаларини амалга ошириб бўлмайди. Иккинчидан, жамиятда амал қилиб келган ижтимоий онг шаклларида, унинг муҳим таркибий элементи бўлган оилавий қадриятлар ҳуқуқий онгидаги ўзгаришлар, янгиланишларни тақоза эта бошлаганлиги билан боғлиқ. Учунчидан, оилавий қадриятлар интеграцияси билан боғлиқ мақсадлар, меъёрлар, вазифаларни нафақат билиш, айна пайтда, оилавий қадриятлар ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ўрганиш орқали ҳуқуқий онг ва маданиятни, жамиятнинг маънавий янгиланишидаги ролини тўғри баҳолаш

мумкин бўлади. Биринчи навбатда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланаётган давлатнинг негизи бўлган оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база янада кучайтирилди.

Хусусан, жорий йилда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни аниқ белгилаб берди.

Оилавий қадриятларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини ўрганишдаги асосий вазифа аҳолига, биринчи навбатда ёшларга қонунларимизни, конституция ҳамда оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ости ҳужжатларни чуқур англатиш ва унга ҳурмат руҳини шакллантиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги кунда оилавий қадриятларни юксалтиришнинг фалсафий-ҳуқуқий асосларини ва унинг аҳамиятини билиш муҳимдир. Шахс оилавий қадриятларни фалсафий-ҳуқуқий асосларини яхши билган жамият аъзоларигина ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида онгли равишда меҳнат қилади. Уларнинг яратувчанлик фаолияти анча юқори бўлади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини яхши билишидан нафақат шахслар, балки давлат ҳам манфаатдордир. Демак, жамият аъзоларида оилавий қадриятлар ҳуқуқий онгини юксалтиришда асосий бир нарсага эътибор беришимиз лозим. Яъни, кишилар ҳуқуқий онгини шакллантиришдан бевосита ўзлари манфаатдор эканликларини тушуниб етишларига эришмоқ керак. Шуни унутмаслик керакки, оилавий қадриятларни юксалтириш ва мустаҳкамлаш, аввало, жамиятда ҳуқуқий онг тизими ва шаклини кишиларнинг ҳуқуқий нормаларга ҳар томонлама ёндашишидан келиб чиқади. Худди шу ерда оилавий қадриятлар тарбияга элементар ёндашишдан воз кечиш зарур. Замонавий ҳуқуқий жамият давлат, иқтисод, сиёсат, маънавий-маданий тарбия ва бошқа тизимларни чуқур, ҳар томонлама амалда ўрганишни тақозо қилади.

Бугунги кунда оилавий қадриятларни янада мустаҳкамлашда қўлланилаётган муайян шакл ва усуллар замон талабига жавоб бермай қўйди. Буннинг сабабини қилиб ахборот асрида информацияларнинг

турли хил маданиятлар билан тўқнашуви натижасида халқлар ва миллатларни ўзлигидан айириш ҳолатларининг кўпайганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ҳозирги вақтда ёшлар кўпроқ оила даврасида ота-оналари билан бевосита мулоқот қилиш зарурати сезилса-да, бунинг баъзан объектив ва субъектив сабаблари уларни қизиқтирган муаммоларни бемалол муҳокама қилиш асосидан ташқарида эканлиги ачинарлидир (масалан, ота-оналарни чет элларда ишлашлари ёки уни акси). Шу ўринда оилавий қадриятларни юксалтиришнинг фалсафий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий таълимни амалга оширишда ёшларнинг бошқа фанларни, айниқса, тарих, адабиёт, маданиятшунослик, фалсафа, сиёсатшунослик каби фанларни ўрганишда олган билимларига қўшимча равишда ёши катта инсонларни ҳаётий тажрибаларига, маслаҳатларига ва насиҳатларига таянмоқ муҳимроқдир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш билан боғлиқ миллий тараққиёт йўли танланган дастлабки йиллардан бошлаб маънавий мезонлардан ҳал килувчи омил сифатида фойдаланиб келинмоқда. Маънавий янгиланишлар ҳуқуқий онгда ҳам аниқ ифодасини топмоқда. Яъни, миллий-маънавий хусусиятларимизда, маънавиятимизга хос ҳуқуқий онг шаклланимоқда. Унда миллий хусусиятлар билан бирга умуминсоний халқаро меъёрларга ҳам аниқ таянилмоқдаки, бу фуқаролик жамияти қурулишининг миллий-маънавий негизлари ҳамда дунё эътироф этган демократик тамойилларга асосланиши билан характерланади. Шу ўринда бир мисол келтирамиз, Сингапур ҳукумати инглиз тилини ўқитишни ўз сиёсатидаги устувор йўналиш қилиб белгилагач, бу мамлакат фуқаролари Ғарб тамаддуни таъсирига тушиб қола бошлади. Оқибатда президент Ви Ким Ви 1989 йили мамлакатда яшаётган турли дин ва миллат вакиллари манфаатини умумлаштирувчи тўрт банддан иборат маънавий қадриятлар мезонини ишлаб чиқди ва парламент депутатлари ҳукмига ҳавола этди. Икки йиллик қизғин баҳсу муҳокамалардан сўнг ўша мезон яна бир банд билан тўлдирилди ва сингапурликларнинг беш банддан иборат умумий қадриятлари тусини олди:

биринчидан, миллат (этник) гуруҳдан, жамият эса шахсдан устун; иккинчидан, оила жамиятнинг асосий ячейкаси; учинчидан, шахсни ҳурмат қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш; тўртинчидан, баҳс ўрнига муроса; бешинчидан ирқий ва диний уйғунлик.

Бу ўринда шахс манфаатидан гуруҳ ва жамият манфаати устун эканига ҳамда оилавий қадриятларни муқаддас эканлигига алоҳида урғу берилади. Шахс ҳуқуқ ва эркинликларини устувор қилиб белгилаш ўрнига уни “ҳурмат қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш” йўлидан борилади. Шу тариқа улар қаторидан, С.Хантингтон фикрича, сиёсий қадриятлар ўрин топмади.

Бундай ўзига хосликни Малайзия, Индонезия, Жанубий Корея, Тайвань сингари давлатлар тажрибасида ҳам кўриш мумкин. Яъни демократия, “замонавийлашиш экан” деб ўзлигимиздан воз кечиш салбий оқибатларга олиб келишини илмий-фалсафий тафаккур билан ҳис қилиш зарурлигини бугунги кунни ўзи тарихий исботлар билан кўрсатиб бермоқда. Биз учун муқаддас саналган оила ва оилавий қадриятларни асрамас эканмиз, ижтимоий-маданий ва маънавий жиҳатдан “Ғарбнинг ҳалокати” сингари муаммоларга гирифтор бўламиз (масалан, ҳозирда дунёни баъзи давлатлари, хусусан Европанинг ривожланган давлатларида бир жинсли никоҳларнинг расман тан олинishi - оила деган тушунчаларнинг дарз кетишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам оилавий қадриятларни маънавий жиҳатдан асраш миллат тақдири билан боғлиқ эканлиги ойдинлашади.

Оилавий қадриятларни юксалтиришнинг фалсафий-ҳуқуқий асосларини турмуш билан боғлиқлигини кучайтириш учун марказий ва маҳаллий газета, радио ва телевидениеда берилган материалларда келтирилган мисоллардан, ижтимоий воқеликдаги долзарб фактлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Албатта, оммавий ахборот воситалари олдида турган вазибаларнинг мураккаблиги, қийинлиги ва маъсулиятни тўғри баҳолаган ҳолда матбуотда кўринаётган объектив ахборотлардан маҳорат билан фойдаланиш ва уларга тўғри баҳо бериш ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, “Народное слово” газетасининг шарҳловчиси В. Йежков

“Публицист қайдлари” мақоласида шундай ёзади: “Демократия юксак ахлоқни талаб қилади... ҳамма учун ягона бўлган демократия концепцияси коммунистик жамият каби утопиядир, уларнинг ҳар иккаласи ҳам хаёлий бир нарса”. Муаллиф давом этади: “Ўзбекистонда ҳали етарли даражада демократия йўқ” дея ён-веридан гоҳида эшитилиб қоладиган овозлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Бу борада берилаётган тавсиялар, аксарият ҳолларда, мамлакатимиз, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналарини билмаслик оқибатида пайдо бўлмоқда” Яъни шундан ҳам билса бўладики, фуқаролик жамиятида оилавий қадриятларни юксалтиришнинг фалсафий-ҳуқуқий омилларига минг йиллик урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимиз асос бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, фуқаролик жамиятида оилавий қадриятларни юксалтиришни тақозо этади. Бу ўзига хос зарурий боғланишларга эга. Иккинчидан, оилавий қадриятларни юксалтиришда унинг самарадорлигига эришиш муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Самарадорлик даражалари турли хил бўлиб, ҳуқуқий онгинг ҳолатини ифода этади. Учинчидан, фуқаролик жамиятида оилавий қадриятларни янада юксалтиришнинг эса ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдаги самарадорлиги муҳимдир. Шунинг учун тегишли профилактика ишларини олиб бориш ўз натижасини беради. Тўртинчидан, оилавий қадриятларни янада юксалтириш

айрим инсон онгидаги бўшлиқни бўлмаслигини тақозо этади. Уни олдини олишда тегишли демократик жамоатчилик институтлари фаол иш олиб боришлари муҳим ўрин тутди. Бешинчидан, жамиятнинг маънавий янгиланиши ва оилавий қадриятларни янада юксалиб бориши узлуксиз жараён бўлиб, тадрижий равишда ҳар бир янгиланиш ҳис этишни, унинг ҳуқуқий асосларини ўз вақтида тўлдириб боришни қонуний жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этади. Оиладаги адолат, садоқат, бурч, каби ахлоқий тушунчалар ҳуқуқий маданиятда ҳам муҳим аҳамият касб этиб, одамлар ўртасидаги муносабатларни юзага келтиради ва жамият ахлоқий ва эстетик тараққиётининг муҳим шартларидан бирига айланади. Қонунга итоат этиш ҳуқуқий маданиятнинг асосидир, яъни ҳуқуқий маданиятли шахс қонунларни нафақат билади, балки кундалик иш фаолиятида, ҳаттоки, оилавий муносабатларда уларга амал қилади. Жамиятимиз аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласини устувор қўйиб, бунда қонунга кўр-кўрона итоаткор бўлишни эмас, балки фуқароларнинг қонунларга битилган нормаларини онгли равишда бажарилишидан манфаатдордир. Шу боис фуқароларимизнинг қабул қилинаётган ҳар қандай қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари маъноси ва аҳамиятини англаб етишлари катта аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. Маънавият, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номли маърузасидан. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 7-декабрь.
3. “Халқ сўзи” газетаси, 1996 йил 11 сентябрь.
4. Хантингтон С.Ф. Столкновение цивилизаций. АСТ, 2003.
5. Очилдиев Ф. Маданият фалсафаси. - Т.: Истиқпол, 2010.

(Тақризчи: Т. Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).